Farg‘onaazot
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz
AO Farg’onaazot
www.azot.uz
info@azot.uz
fargonaazot.uz
t.me/fargona_azot

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 2 (1702) 2022-yil, 7-mart.

**АССАЛОМУ АЛАЙКУМ,
ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР! МУҲТАРАМА АЁЛЛАР!**

Нафосат айёми бўлмиш 8 март байрамини биз ҳар сафар катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу қутлуғ айём қалбимизда, юрагимизда сизларга бўлган чексиз меҳримиз, ҳурматимизни изҳор этиш учун яна бир катта имконият беради. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча мўътабар онахонларимизни, дилбар опа-сингилларимизни, меҳрибон қизларимизни ушбу қутлуғ айём билан корхонамиз бошқаруви номидан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун латофат ва садоқат тимсоли, Яратганнинг беқиёс мўъжизаси бўлган аёлларимиз хизматини юксак қадрлаш, улар ҳурматини жойига қўйиш, бахтиёр ва фаровон яшаш шароитини яратиш, соғлиғини асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир, албатта. Чунки оила, деб аталмиш муқаддас қўрғоннинг барча машаққат ва ташвишларини нозик елкасида кўтариб, бутун умрини фақат эзгу ишларга, ўғил-қизлари тарбияси, ўз оиласи шаънини улуғлашга бағишлаган, дунёдаги жамики эзгуликлар бунёдкори ва яратувчиси бўлган мўътабар аёлларимиз ҳар қачон шундай ҳурмат ва эҳтиромга лойиқдир!

Шу сабабли, муҳтарама аёлларимизни нафақат байрам кунлари, балки уларни ҳар доим қадрлашимиз ва уларга чексиз меҳрибонлик кўрсатишимиз керак. Мустақиллик берган имкониятлар, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли жамиятда Аёл зоти борки, юксак қадр топганлигини бугун уларнинг чеҳрасидаги қувонч, қалбидаги шукроналик туйғуларидан, ҳаётдан мамнун эканлигидан ҳам теран англаш мумкин.

Муҳтарам Президентимиз раислигида жорий йилнинг 1 март санасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтириш борасида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам мамалкатимизда аёл ва қизларимизга қараталаётган эътирофни яна бир бор англатади. Шундай экан азиз аёл ва қизларимизнинг жамиятимиздаги ўрни, юртимиз, ҳаётмиз яшнашига қўшаётган ҳиссалари учун катта миннатдорчилик билдираман.

Бугунги кунда меҳнат жамоамиз, ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини ошириш, янги илғор технологияларни қўллаш, модернизация қилиш ва техик янгилаш устидан тинмай меҳнат қилмоқдалар. Йилдан йилга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда ишчи-техник ходимларимиз, шу жумладан, хотин-қизларимизнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

МУҲТАРАМА ОНАХОНЛАР, ГЎЗАЛ АЁЛЛАР!

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан чин қалбдан самимий табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўришингизни тилайман. Доимо юзингиздан табассум, қалбингиздан шодуҳуррамлик аримасин!

Байрамингиз муборак бўлсин!

**«Farg’onaazot» АЖ бошқаруви раиси
Абдупатто САЛИЖАНОВ.**

Кун мавзуси

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши тавсилотлари.

- “Бугун, сизлар билан баҳорнинг биринчи кунида ҳаммамиз учун муҳим бўлган масала – хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифаларни белгилаб оламиз.

Сизларга маълумки, кўп минг йиллик давлатчилигимиз тарихида буюк намояндаларимиз, моҳир саркарда ва сиёсатчи бўлган ота-боболаримиз ёнида ҳамиша оқила, жасур ва фидойи момоларимиз ҳам ўзларининг юксак ақл-заковати, теран фикр ва мулоҳазалари, амалий ҳаракатлари билан мамлакат тараққиёти ва равнақига муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар.

Биз ўтмишни ёдга олар эканмиз, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз, жаҳонгир боболаримиз қаторида, мана шундай буюк инсонларни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, ҳар бир ишда камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз”, - деди давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида.

“Донишманд халқимиз ҳамиша аёлларни эъзозлаб яшаган, хотин-қизларга юксак эҳтиром кўрсатиб яшаш эл-юртимизга хос азалий қадриятга айланган.

Буни муқаддас Қуръони каримнинг энг катта сураларидан бири – “Нисо”, яъни “Аёллар” деб аталиши ҳам тасдиқлайди. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади. Муқаддас ҳадиси шарифларда ҳам хотин-қизларга доимо яхшилик қилиш буюрилган.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимиз, маърифатпарвар жадидларимиз ҳам оиланинг тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлишида, фарзандлар тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини алоҳида таъкидлаганлар.

Бугунги кунда муҳтарама опа-сингилларимиз жамиятимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида, бошқарув тизимида, тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида, маҳаллаларда қанчалик фидокорона меҳнат қилиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз».

Давлатимиз раҳбари кириш сўзини давом эттирди:

- “Хабарингиз бор, биз ўз фаолиятимизнинг илк кунларидан бошлаб мунис ва мўътабар аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласини давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгидик.

(Давоми 3-бетда).

ЙЎЛЛАРДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жорий йилнинг 11 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Хавфсиз ва равон йўл» тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мазкур видеоселектор йиғилишида тизимни тубдан ўзгартириш, йўллардаги қоидабузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, эҳтиётсизлик ёки лаёқатсизлик оқибатида келиб чиқаётган кўнгилсиз, аянчли ҳолатларнинг олдини олиш каби долзарб масалалар ўртага ташланди.

— Бугун ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас масалани муҳокама қиламиз. Бу – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш. Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд авария содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланди. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан, 263 нафар бола ҳалок бўлгани катта фожиадир,- деди давлатимиз раҳбари.

Ҳурматли Президентимиз йиғилишда соҳадаги аянчли ҳолатни статистик маълумотлар асосида танқидий таҳлил қилар экан, бундан буён ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари тизими жорий этилишини маълум қилди. Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга халақит қилганлик учун алоҳида “йўл безорилиги”, деган янги жавобгарлик тури киритилишини айтиб ўтди. Шу билан бирга, Йўл ҳаракати қоидаларининг анча эскиргани, улар халқаро стандартлар асосида янгидан ишлаб чиқилиши шартлиги кўрсатиб ўтди. Йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари фаолиятига қаршилик кўрсатиш, уларни обрўсизлантириш ҳолатлари кўпайиб бораётгани сабабли бундай ҳолатлар қаттиқ назоратга олиниши, қонунларни кўриб чиқишда бу масалага ҳам жиддий ёндошиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу ўринда, эндиликда вилоят ва туман марказларидаги йўл белгилари ва кўрсаткичлари, светофорлар, ёритгичлар ўрнатиш, йўл чизиқлар чизиш, пиёда ўтиш жойларини белгилаш, умуман, йўл ҳаракати воситаларини тартибга солишга Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими масъул бўлиши, соҳадаги корхоналар ҳокимликлардан ҳудудий ЙХҲБларга ўтказилиши маълум қилинди.

2023 йил якунига қадар ушбу хизматлар учун аутсорсингга йўл очилиб, яъни рақобатнинг кучайиши, бу борадаги ишларни молиялаштириш учун ИХҲБ тизимида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика ва вилоят жамғармалари ташкил этилиши маълум қилинди.

Видеоселектор йиғилишида қўйилган масалаларни тушунтириш мақсадида “Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари, корхона масъул ходимлари, автотранспорт цехи ҳайдовчилари иштирок этишди.

Семинарда Фарғона шаҳар ИИО ЙҲҲБ катта инспекторлари, катта сержант А.Солохиди ва катта сержант А.Исматов сўзга чиқдилар. Улар йиғилиш қатнашчиларига “Хавфсиз ва равон йўл” тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларининг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириб ўтишди. Йўл ҳаракати қоидалари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартишларни айтиб ўтдилар. Семинарда корхонадаги мавжуд автотранспорт воситаларига видеорегистратор ўрнатиш таклифи киритилди.

Йиғилиш якунида Логистика бошқармаси бошлиғи А.Исмаилов ва Автотранспорт цехи бошлиғи Ш.Зокиров автотранспорт ҳайдовчиларини йўлларда ҳушёрликни янада оширишга чақириб, автотранспорт воситаларини техник соз ҳолда бўлиши ва йўлларда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари лозимлигини таъкидлашди.

ИНСОНДАН БОҒ ҚОЛАР

Инсон ва табиат чамбарчас боғлиқдир. Ер юзида инсон табиатсиз яшай олмайди. Табиат – бу, бизнинг ҳар бир олган нафасимиз, ичаётган сувимиз, ҳаётимиз гарови.

Биз “табиатни асраш”, “экологияни сақлаш” деган сўзларни жуда ҳам кўп эшитамиз. Лекин унинг негизида нималар ётаётганини, мазмун-моҳияти нимани кўзлаётганини тўлиқ англай оламизми? Ёки бу сўзларнинг ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолиб кетяптими?

Албатта, шиддат билан ривожланиб бораётган замонда жамият тараққиёти, иқтисодий ривожланишда ишлаб чиқаришларсиз, табиат бойликларини қазиб олиш ва катта шаҳарлар яратишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо бу, табиатни бутунлай йўқ қилиш, унга эътиборсиз бўлиш дегани эмас.

Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари атроф муҳит, экология ҳимояси масалаларига катта аҳамият бермоқда. Бу борада юртимизда ҳам жадал ишлар амалга оширилмоқда. Экошаҳарлар, яшил маконлар барпо этиш лойиҳалари тузилиб, қурилиш ишлари бошланиб кетган. Ерлар, томорқаларга манзарали ва мевали дарахтлар экилмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз экологиясини янада мустаҳкамлаш, атроф муҳитни асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда, табиатни инсон манфаатларини кўзлаб онгли равишда ўзгартиришга, умуман олганда унинг гўзаллиги, мусаффолигини сақлаб қолишга ва янада бойитишга қаратилган барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бизнинг ишлаб чиқариш корхонамизда мазкур масалалар бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “яшил макон” лойиҳаси бўйича жорий йилги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилди. Корхонанинг ички ва ташқи ҳудудларида чуқурлар кавланиб, ерлар кўчатлар экишга хозирланиб борилмоқда. Жамиятимиз ходимлари жорий ишларда бажонидил иштирок этишмоқда.

2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида корхона цех ва бўлимлар ҳудудлари ва томорқаларида 32 мингтадан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати экилган. Айни дамда 14 мингта кўчат экилиши режалаштирилган бўлиб, корхонада экиш ишларига бошланиб кетган.

Бундан кўриниб турибдики, “Farg‘onaazot” акциядорлик жамияти атроф муҳит муҳофазасига бефарқ эмаслиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Шунингдек, жамият учун экологик барқарорликни ошириш, она табиатни асраш долзарб мавзулардан бири бўлиб қолади.

Kimyogar

"ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ–146-СОНЛИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Қарор билан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди.

Қарорга кўра, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари лавозимларига номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади.

Ушбу лавозимга оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи ва садоқатли номзодлар тайинланади.

2022 йил 1 майдан маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгиланади:

— хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 баравари (2 млн 877 минг сўм) миқдорида;

— хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари (3 млн 288 минг сўм) миқдорида;

— хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари (3 млн 699 минг сўм) миқдорида.

— 2022 йил 1 августгача маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари "Аёллар дафтари"ни юритиш, мафсофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминланади.

Қарор билан шунингдек, Бош прокуратура тузилмасида Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди.

https://yuz.uz/news

УЙ-ЖОЙГА СУБСИДИЯ **ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ** ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК?

Ипотека кредити бўйича субсидия олиш учун шахс ариза билан исталган туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб, мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтади.

Анкета-ариза электрон тарзда тўлдирилади ва унга қуйидагилар электрон тарзда илова қилинади ёки маълумотлар тақдим этилади:

- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари;
- оила аъзоларининг (жисмоний шахснинг) шахсий идентификация рақами маълумотлари ва никоҳ қайд этилганлиги гувоҳномаси (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва (ёки) фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар бор бўлган тақдирда) нусхалари;
- белгиланган тартибда никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб тан олинганлиги тўғрисида суд қарори (никоҳ қайд этилган ҳолатда) ёки оилавий ҳолати тўғрисида ФҲДЁ архивидан маълумотнома нусхаси (никоҳ қайд этилмаган ҳолатда);
- доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича карточканинг нусхаси (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлари тўғрисидаги маълумотнома (қўшимча даромадлар бўлса солиқ декларацияси).

— Юқоридагилардан ташқари маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

— Шунингдек, субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчидан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" АТ орқали олиш мумкин бўлган ҳужжатларни (маълумотларни) талаб қилиш ман этилади.

— Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари номидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш тўғрисидаги аризани унинг оила аъзолари бериши мумкин.

— Хизматлар ариза берувчиларга бепул амалга оширилади.

Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси.

ЗАМОН ТИНЧ, ҚОРИН ТЎҚ. НЕГА НОТИНЧ ОИЛАЛАР КЎПАЙИБ КЕТМОҚДА?

Фарғона вилоятида 1 миллион 493 минг 26 та оила бор. 2021 йилда 4285 тадан ортиқ оила барбод бўлган. Бу – ажрим бўйича Тошкент шаҳридан кейин 2-ўринда, дегани. Шаръий никоҳдан бир йилда 1200 нафардан ортиқ фарзанд дунёга келган. Қайд этилган ажримлар таҳлил этилганда, энг юқори кўрсаткич Фарғона (618 та), Қўқон (447 та), Марғилон (317 та) шаҳарларида, Фарғона (249 та), Ўзбекистон (248 та), Олтиариқ (247 та) туманларида кузатилмоқда.

Оқибатлари ўрганилганда эса, эр-хотинларнинг ажралиб кетишига моддий етишмовчилик, учинчи шахснинг аралашуви, бефарзандлик эмас (21,2 фоиз), кўпроқ хиёнат, узоқ вақт бирга яшамаслик, ўзаро бир-бирини тушунмаслик (71,1 фоиз) сабаб бўлаётгани ойдинлашди.

Февраль ойи Фарғонада "Оилавий ажримларга қарши курашиш ойлиги" деб эълон қилинди. Эшитган қулоққа бу ойлик кулгили чиқар, аммо уч кун ҳам яшамай ажралиб кетаётганларнинг учраши ҳеч кулгили масала эмас.

Бугун ажрим муаммоси жамиятимизга, миллатимизга катта оғриқ, хавотир, безовталик солмоқда. Мавзу-муаммо мисолларда очилади. Биринчи вазиятда марғилонлик ўқимишли, ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга қиз Жанубий Кореяда ўқиб, кейинчалик шу юртда ишлаётган йигитга турмушга чиққан. Йигит тўйдан уч кун ўтиб, Кореяга қайтиб кетган ва 6 ойгача келмаган. Орада, албатта, қуда-анда, икки оила ўртасида келишмовчиликлар юзага келган. Келинни Кореяга, йигитнинг олдига амаллаб жўнатишган. Турмуш ўртоғининг ижарадаги уйига бориб кўрсаки, 3 ёшли фарзанди ва корейс аёли ўтирибди. "Бу менинг хотиним, бу эса болам. Истасанг яша, бўлмаса ўзинг биласан. Сенга ота-онамнинг хизматини қилишинг учун, элнинг кўзига уйланганман, холос", деган. Қиз бир кун ҳам қололмай, Ўзбекистонга қайтиб келган ва ажрашган.

Иккинчи вазиятда фарғоналик эркак риштонлик қизга дабдаба билан, тўй қилиб уйланган. Лекин унинг аёли ва 2 нафар ўғли бу воқеадан бехабар қолган. Ҳамма сир фош бўлгач, қонуний хотини аввалига жазавага тушган-у, кейин тақдирга тан бериб, ажрашган. Қизиғи шундаки, бўйи етган, бокира қиз ўзидан анча катта бўлган эркакнинг иккита фарзанди борлигини билиб туриб турмушга чиққан, ота-онаси ҳам рози бўлган, "имом домла" эса шаръий никоҳлаб қўйган. Бу икки ҳолатда ҳам аёл жабрдийдага айланиб қолди. Энг ачинарлиси, бундай аёлларни ҳимоя қилувчи қонуннинг ўзи йўқ. Агар фарзанди бўлса, моддий томондан алимент ундириш ҳуқуқига эга. Уларнинг руҳияти, иффати, жами-

ятдаги ўрнини тиклаб олиши-чи? Булар ҳақда ким ўйлайди?

– Никоҳдан ўтиш томонларнинг розилиги билан, ихтиёрий равишда бўлган, – дейди Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси Шерзод Тошмирзаев. – Шунинг учун ота-оналаримиз, турмуш қураётган йигит ва қиздан талаб қилинадиган энг жиддий талаб – бир-бирини ўргансин, сўраб-суриштирсин, оила бир умрлик жамият, дегани. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 январь кунги "Вилоятда эрта никоҳ, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, нотинч оилаларни яраштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, эндиликда ҳар бир қурилаётган янги оила бошида маҳалла иштироки йўлга қўйилади. Қиз ва йигитларни болалигидан, боғча муассасасидан бошлаб ҳаётга, оилага тайёрлаш, уларда аёл ва эркакка хос, бугунги кунда йўқолиб кетаётган иффат, ҳаё, сабр, мардлик каби фазилатларни шакллантириш орқали оилаларни сақлаб қолиш, нотинч, нотўлиқ оилаларни, ажримларни камайтиришга эришса бўлади.

Эрининг золимлиги, жоҳиллигига чидолмай ўз жонига қасд қилган аёллар сони, афсуски, кўпайиб боряпти. Сабаби — аёлларни ҳануз иккинчи даражали шахс сифатида кўриш, уларга инсон, она эмас, келин, қулга қарагандек муомала қилишгача бориб тақалмоқда. Қизларимиз қиммати, қадри йўқ одамга айланиб қоляпти.

Ёлғиз аёлларни иш ва субсидия асосида уй билан таъминлаш каби имтиёзлар натижасида ҳам ажримга келиб тушган аризалар сони кескин кўпайиб кетган. Аёл рози бўлса, аёл бахтли бўлса, оила тинч бўлса, бирор аёл уй-жой эвазига турмуш ўртоғидан кечишни танламайди. Барибир бунинг замирида зулм,

хорликдан қутулиш, ёлғиз бўлса ҳам фарзандлари билан таъна-дашном, руҳий қийноқларсиз яшаш танлови турибди.

Жорий йилнинг 2 февраль куни Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши мажлислар залида Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши аъзолари, Фарғона вилоят суди, ИИБ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, Ёшлар ишлари агентлиги, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Фарғона вилоят вакиллиги, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ажримларнинг олдини олиш бўйича махсус модель ишлаб чиқилди.

Бугун яратилаётган моделлар, оилани, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг бари Қуръони каримда келтирилган "Аёл билан эркакни бир-биридан сакинат топиши учун яратдик", деган жумла замирига қурилмоқда. Энг муҳим вазифа ҳам шу: оила – жанжал, бир-бирини ҳақоратлаш ёки камситишга қурилган майдон эмас, кундалик юмушлар, дунё ташвишларини бир дам унутиб, сокинлик, тинчлик, бахт топадиган, ҳар кеч унга томон югурадиган маскан эканини тушунтириш. Дунёда оиладан ортиқ неъмат ҳам, дўст ҳам, бойлик ҳам йўқлигини инсон табиатига сингдириш.

Ўзлигимизга, ўзбеклигимиз ва мусулмонлигимизга қайтсак, бу тушунчалар моҳиятини, инсон эканимизни теранроқ англасак, кифоя. Бундай пайтларда диний билимларга, ёши улуғларимиз ўгитларига, баъзан психологлар ёрдамига эҳтиёж сезамиз.

Оилани сақлаб қолишнинг йўли биз ўйлаганчалик мураккаб эмас, аслида. "Сиз менга жуда кераксиз! Яхшиямки борсиз!" каби сўзлар жазавага тушиб турган эркакни ҳам, кўчини кўтариб олган аёлни ҳам илитади-қўяди. Шу биргина сўзни бир-биримиздан аямайлик. Шу биргина сўзни айтиш учун маълум кунларни кутмайлик. Оилаларимиз ҳамиша тинч бўлсин!

Севара АЛИЖОНОВА.

ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ ОШИРИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Фуқароларимизнинг муаммоларини ўрганиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бугунги кунда ҳар доимгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тарғибот ишлари юқори даражада амалга ошириб келинмоқда. Бу, бежиз эмас, албатта. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билишлари жамиятимизда тартиб-қоидаларнинг янада кучга киришига, инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишини олдини олишга замин яратади. Мазкур масалалар, айниқса, давлат хизматчиларининг бу борадаги билимларини ошириш, қонунчилик нормаларини билиш ва қўллай олиш кўникмасига эга бўлишларига қаратилган. Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий билимини ошириш орқали давлат идоралари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши даражаси оширилади, шунингдек, давлат ташкилотларида қонун ҳужжатлари бўйича ижро интизоми мустаҳкамланади. Шу ўринда, фуқароларнинг мурожаатлари ўз ечимини топади.

Жамиятимиз ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш мақсадида Фарғона вилоят Адлия бошқармасининг ишчи гуруҳи томонидан корхона ишчи-ходимлари учун сайёр қабул ўтказилди. Мазкур қабулга Фарғона вилоят Адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими бошлиғи А.Таджибаев, Нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Х.Умаров, Ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи А.Аъзамхонов, Ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солиш бўлими бошлиғи О.Ахмедов, Фарғона шаҳар ФҲДЁ мудираси Ш.Имомова ва нотариат ходимлари ташриф буюрдилар.

Қабул жараёни очиқ мулоқот ҳамда савол-жавоб тарзида ўтказилди. Унда ходимлар ўзларини қизиқтираётган саволлар, муаммолар билан қабул ташкилотчиларига юзландилар. Ўз ҳуқуқлари, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар, коммунал хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келаётган масалалар ва бошқа соҳалар бўйича керакли тавсияларни олдилар. Келиб тушган мурожаатларга тегишлилиги бўйича қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, нотариат, адвокатура соҳасидаги янгиликлар билан таништириб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИНИНГ УСТУВОР ШАРТИ

Шундай иллатлар борки, у бутун жамиятимизни издан чиқарибгина қолмай, тараққиётимизга тўсқин бўлади. Бу иллатлар таъсирида қанчадан қанча мамлакатлар инқирозга юз тутгани азал-азалдан маълумдир. Шундай экан, бундай ҳалокат таъсиридан давлатимизни ҳимоя қилиш, унга қарши муросасиз ва кескин курашиш ҳар бир фуқаро зиммасидадир. Масала коррупция, халқ тилида гапирганда, порахўрликнинг жамиятимизга раҳна солаётгани, фуқароларимиз онгини заҳарлаётгани тўғрисида кетяпти.

Коррупция, порахўрлик деган балолар тўғрисида сўз юритилганда, турли тушунчалар уйғонади. Аслида эса қандай? Аслида "Коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш"дир. Оддий қилиб айтганда, мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Кундалик турмушимизда учраб турадиган оддий ҳолатларга назар ташласак, ҳар биримиз коррупциянинг гувоҳи бўламиз. Масалан, истеъмолчиларнинг коммунал хизматлардан қарздорликлари ортиб кетганда, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот ходимини "хурсанд қилиш" ҳисобига қарздорликни ёпишга ҳаракат қилганликларини гувоҳи бўлганмиз. Ёки, тиббиёт муассасаларида навбат кутиб турган беморларни писанд қилмай, беморнинг "таниш-билишчилик" ҳисобига шифокор кўригидан биринчи бўлиб ёки навбат олмаган ҳолда ўтиши аламли ҳолат. Демак, коррупция ўзимизнинг кундалик ҳаётимизда учраб турган жамиятимизда табақаланиш, танланиш, ўз ваколатларини суистеъмол қилиш, инсонлар ҳуқуқини поймол қилиш ва яна бир қанча жамиятни тубанликка етаклайдиган омилларни келтириб чиқаради.

Юқорида келтирилган мисоллар коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигини кўрсатади, албатта.

"Farg`onaazot" акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши кураш борасида олиб борилаётган бир қатор тадбирлар бундай турдаги жиноятни содир этишнинг олдини олиш ҳамда ходимларнинг бу иллатга қарата нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг коррупцияга оид давлат дастури, унинг олдини олиш тўғрисидаги фармонлари юзасидан корхона комплаенс назорат хизмати корхона цех ва бўлимларида мунтазам равишда «Ҳалоллик вакцинаси» тамойили буйича «Коррупцияга қарши кураш барчамизнинг бурчимиздир» мавзусида умумий профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Жумладан, бундай тадбирлардан бири Аммиак ва Сода ишлаб чиқариш цехларида бўлиб ўтди. Унда комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ғафуржон Жабборов ходимларга пора бериш ва олиш қонунга зид бўлган, жамиятга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири эканлигини, унинг келиб чиқиш сабаблари, унга даъват этадиган омиллар ва уларнинг оқибатлари борасида сўз юритди. Шу ўринда, коррупцияга қарши кураш тўғрисида давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармонлари билан тадбир қатнашчиларини таништириб ўтди. Шунингдек, Фарғона вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг "Farg`onaazot" АЖ БЁХТТЭ бўлимида жамиятнинг юридик бўлими матбуот хизмати билан биргаликда семинар ташкил этди.

Семинарда комплаенс назорат хизмати етакчи мутахассиси Шуҳрат Бобоев коррупция илдизини қуритиш, порахўрлик номини ўчиришга барча бирдек ҳаракат қилиши зарурлиги тўғрисида сўз юритди. Корхона юридик бўлими бошлиғи Насиба Маҳкамова семинар иштирокчиларини Президентимизнинг коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилган фармонлари билан таништирар экан, мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур иллат билан аёвсиз кураш олиб борилаётгани, уни содир этган шахсларга нисбатан қонунчилик билан белгиланган қаттиқ чоралар кўрилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

(Бошланиши 1-бетда).

Барча ислоҳотларимизнинг мазмуни, "Инсон қадри учун" тамойилининг моҳияти ҳам айнан шунга қаратилган.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам албатта оила ва жамиятнинг устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларга боғлиқдир. Агар биз халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак.

Биз мана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада бир қатор муҳим қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилдик».

Президент бу борада қилинган ишлар ҳақида бир нечта рақамларни келтирди. Жумладан:

- 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлди;
- 2021 йилда 190 минг нафар аёллар касб-ҳунарга ўқитилди;
- 2020 йилда йўлга қўйилган "Аёллар дафтари" тизими доирасида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилди;
- 2021 йилнинг ўзида 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди;
- 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинди, яна 1 минг 800 нафарига контрактлари тўлаб берилди. Натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган).
- 2021 йилда 1 минг 153 нафар аёлга юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилди.

«Бу борада ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур» - Президент.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги муаммоли масалаларни ҳам санаб ўтди.

Хусусан, "Аёллар дафтари"да 630 мингдан зиёд хотин-қизлар рўйхатда турибди, улардан 200 минг нафари ишсиз ҳисобланади.

2021 йилда ишсиз аёллар ўртасида жиноятчилик 1,7 бараварга, 18-30 ёшдаги хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар эса 2 бараварга кўпайган.

Булардан ташқари, оилада аёлларни хўрлаш, уларга зўравонлик қилиш ва тазйиқ ўтказиш ҳолатлари ҳали мавжуд.

Ўтган 2021 йилда 39 мингга яқин хотин-қизлар оилада эри, қайнонаси, келини томонидан зўравонлик бўлаётгани ҳақида профилактика инспекторларига мурожаат қилган. Бу рақамлар 2020 йилга нисбатан 2,5 баравар кўп, деди Президент.

Президент хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасининг янги тизимини белгилаб берди.

"Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласини энг муҳим йўналишлардан бири сифатида бежизга белгиламадик.

Ушбу муҳим вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида бугун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини ташкил этиш бўйича Фармонни имзоладим». Қўмита раҳбари лавозимига аёлларнинг муаммолари, дарду-ташвиши билан яқиндан таниш ва уларни ҳал қилиш бўйича катта тажрибага эга бўлган Тўрақўрғон тумани ҳокими Зулайҳо Бахриддиновна Маҳкамова тайинланди.

Янги Қўмита раиси Маҳкамова айни пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Жойларда қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари эса ҳоким ўринбосари бўлади. Янги қўмита Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Аёллар дафтари" жамғармасини ўзи бошқаради.

Республикадаги айни пайтдаги 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилади ва ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади. Ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари қандай конкурс билан танланган бўлса, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ҳам шундай очиқ конкурс асосида, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор аёллар орасидан лавозимига қўйилади.

Яъни, маҳаллада энди яхлит тизим ташкил этилади.

Бундан буён:

- ҳоким ёрдамчиси камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишга;
- ёшлар етакчиси ёшлар сиёсати ва ёшлар балансига;
- хотин-қизлар бўйича масъул эса, аёллар масаласи ва уларнинг дарду-ташвиши ишлашга жавоб беради.

Ушбу 3 та йўналиш бўйича, уларнинг аниқ молиявий маблағлари бўлади.

Президентимиз маҳалла тизимидаги янгиланишлар ҳақида ҳам маълум қилди. Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди. Унга раҳбарлик қилиш Президент маслаҳатчиси Турсинхон Айдарович Худайбергеновга юклатилди.

"Фарзандларимиз тарбиясида нуронийларимизнинг билимлари ва ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланишимиз зарур", деди Президент.

Энди маҳалла тизимида ҳам мутлақо янги тизим яратилади. Жойларда бу вазифа бевосита ҳокимларнинг зиммасига юклатилади, ҳоким ўринбосари лавозими қисқартирилади. Маҳалла раиси ўз ҳудудида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва маҳаллада ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашни таъминлайди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Шунингдек, Халқ қабулхоналарининг вазифалари ҳам энди шаҳар ва тумандан маҳаллага тушади, маҳаллабай фуқароларни қабул қилиб, уларнинг масалалари ечимига ёрдам беради.

Президент аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишни тубдан кучайтириш ва бу борадаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш вазифасини қўйди.

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 700 минг чақалоқ дунёга келмоқда. Фарзандли бўлган аёллар камида 4 ойга ишдан ажралиши, декретга чиқиши керак.

"Очиқ айтиш керак, айни пайтда бюджет ташкилотлари ҳомиладорлик нафақасини тўлиқ тўлаб берсада, хусусий секторда бу харажат туфайли аёлларни расмий ишга олишдан қочиш ҳолатлари ҳам, афсуски бор", деди Ш.Мирзиёев.

Шу боис, 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берадиган тизим яратилади.

Энди, уларга ҳам 4 ойга 2 миллион сўм миқдорида бир марталик ҳомиладорлик нафақаси тўлаб берилади.

Бу мақсадлар учун, бюджетдан 2022 йилда 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1,7 триллион сўм йўналтирилади.

Йиғилишда эълон қилинган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича яна бир қатор чора-тадбирлар эълон қилинди:

- эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзандлари учун давлат боғчалари тўловлари бюджетдан қоплаб берилади;
- йирик ишлаб чиқариш корхоналари, тўқимачилик кластерлари ва кечки сменада аксарият аёллар ишлайдиган корхоналар боғча ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи давлат томонидан тўлаб берилади;
- 27 минг нафар аёлнинг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган;
- 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади;
- уй-жойга муҳтож 14 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловлари учун 500 минг сўмгача компенсация берилади;
- 2022 йилда республика бўйича 1 мингта ижтимоий уйлар сотиб олинади;
- вилоят ҳокимлари ушбу уйларнинг 700 тасини уй-жойга муҳтож ёлғиз аёлларга ижарага беради, ушбу хотин-қизлар касб-ҳунарга ўргатилади.

Аёлларнинг саломатлигини тиклаш ва уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, 2022 йилда:

- қўшимча 6 минг нафар аёлларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади (2021 йилга нисбатан 5 баравар кўп). Бунга 100 миллиард сўм йўналтирилади;
- республика бўйича 10 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган хотин-қизлар реабилитация воситалари билан таъминланади;
- 3 миллион нафар хотин-қиз онкологик скринингдан ўтказилади, бунинг учун бюджетдан 40 миллиард сўм маблағ ажратилади;
- 2022-2025 йилларда 227 та туғруқ комплекси ҳамда 46 та туманлараро перинатал марказлари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади;
- 9-12 ёшдаги ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши эмлаш ва бошқа 12 турдаги вакциналар учун 200 миллиард сўм ажратилади;
- туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола парваришидаги аёлларни дори ва витаминлар билан бепул таъминлаш кўлами кенгайтирилиб, маблағлар ҳажми 30 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача оширилади.

"Таълим тизимининг барча поғоналарида ўқишга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларга шароит яратамиз" – Президент.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилинади.

Дастур доирасида пойтахтда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шерикчилик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Жойларда унинг техникумлари ҳам очилади. Шунингдек, айни пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилади. Бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилади. Янги ўқув йилидан бошлаб олийгоҳ, техникум ва коллежларда ўқиётган қизларга таълим контрактларини тўлаш учун, илк маротаба, 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади.

«Бу имконият ҳали бизнинг тарихимизда умуман бўлмаган», деди давлатимиз раҳбари.

Таълим тизимида хотин-қизлар учун яна бир қатор кенг имкониятлар:

Янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм);

- ҳар йили 50 нафар қизлар нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилади;
- ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизларнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўлаб берилади;
- ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилади;
- докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Давлатимиз раҳбари мактабда ўқиётган қизлар ва маҳалладаги аёлларнинг касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилишини таъкидлади.

2022 йил 1 июндан бошлаб бу борада янги тизим йўлга қўйилади:

- ҳар бир вилоятдаги мономарказлар ва олийгоҳлар қошида Малакани баҳолаш марказлари ташкил этилади;
- ушбу марказлар аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқишини ташкил этади ва кейин уларга малакасини тасдиқлаб беради;
- марказларда "устоз-шогирд" анъаналари асосида тажриба тўплаган хотин-қизлар ҳам малака ҳужжати олиш имкониятига эга бўладилар;
- марказлар орқали 2022 йилда 30 минг нафар хотин-қизларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиб, малака ҳужжати бериш бўйича давлат буюртмаси жорий қилинади;
- ҳар йили мактаб ва коллежларни битираётган 20 минг нафар қизларни IT соҳасида ўқитиш бўйича ҳам давлат буюртмаси бўлади;
- 2023 йилдан ушбу тизим чет тилларини ўрганиш йўналишида ҳам жорий этилади.

Бугунги кунда 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти аёлларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича яхши тажриба яратди. Шу боис, қишлоқ жойларида бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат ташкилотларга 2 миллиард сўмгача грантлар ажратилади. Ўзи ёки қарамоғида ногиронлиги бор яқини бўлган хотин-қизларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш борасида, нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган грантлар миқдори 5 бараварга оширилиб, 200 миллион сўмгача етказилади (амалда 40 миллион сўм).

«Аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун, қўшимча шарт-шароитлар яратамиз», деди Президент.

Бунинг учун, энг аввало, тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун "Бизнес аёллар" дастури қабул қилинади.

Ушбу дастур ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Банк тизими томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш қатор вазифалар белгилаб олинди. "Халқ банки" тажрибаси асосида аёлларни эшитиш ва уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича "билим платформаси" яратилади. Ҳар бир банк "Халқ банки" сингари 1 нафар аёл раис ўринбосарини тайинлаши муҳим экани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, ҳар бир банк филиалида аёл тадбиркорларнинг яқин ҳамкори сифатида ишлайдиган аёл менежерлар тайёрланади. Банклар аёлларга алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар таклиф этилади.

Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаган аёл тадбиркорларга банк хизматлари билан бирга тадбиркорлик курслари ташкил этилади. Шунингдек:

- фаолиятини бошлаганига 6 ойдан 12 ойгача бўлган аёл тадбиркорларга 300 миллион сўмгача;
- 2 йилгача ишлаганига 1 миллиард сўмгача;
- 2 йилдан ортиқ ишлаганига 3 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилади.

Агар бошқа тижорат банклари ҳам ўзи жалб қилган ресурслари орқали аёлларга кредит ажратса, 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қопланади.

Умуман, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча равишда:

- 2022 йил 1 июнга қадар 300 миллион доллар жалб қилинади;
- 2022 йилда оилавий тадбиркорликка 3 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.
- 2022 йил 1 майдан бошлаб янги кичик бизнесни бошлаётган тадбиркор аёлларга асбоб-ускуна (масалан, тикувчилик, ип-йигирув, қандолат дастгоҳлари, сартарошлик ускуналари) учун амалдаги субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади;
- ўз томорқасида гул, лимончилик, мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади;
- томорқасида тадбиркорлик қилаётган аёллар ўзини ўзи банд қилувчилар тоифасига киритилади ҳамда улар солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

Йиғилишда эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу боис, 2022 йил 1 июлдан бошлаб қишлоқ туманларда эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган кичик тадбиркорларга:

- 2025 йил 1 январга қадар мол-мулк ва ер солиғини 50 фоизини ҳамда ижтимоий солиқларни 1 фоиз ставкада тўлашга;
- давлат харидлари доирасида ўзи ишлаётган ҳудудда 200 миллион сўмгача ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри шартнома асосида сотишига рухсат берилади.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначилик асосида ишлашга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотларга рухсат этилади. Бунда, иш берувчиларга ҳар бир касаначи аёл учун 3 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Ушбу субсидия ҳисобига иш берувчи касаначиларга тикувчилик, ип-йигирув, қандолат дастгоҳлари каби ускуналарни олиб беради ва маҳсулотини кафолатли харид қилади.

Давлатимиз раҳбари эътиборни яна бир муҳим ва ўта долзарб масалага қаратди.

- Энди алимент тўловларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим жорий қилинади», деди Президент Шавкат Мирзиёев - 2022 йил 1 июлдан Мажбурий ижро бюросида "Алимент тўловлари" жамғармаси олишлари лозим", деб ёзган эди. Бу даъват бугун ҳам жамиятнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари мавзуни давом эттириб, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга "Оқила аёллар" ҳаракатини ташкил қилишни таклиф этди:

- Бу ҳаракат том маънода "маҳалланинг виждони"га айланиши керак. Чунки, маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди.

Биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш, жамиятда янги маънавий макон яратиш ҳақида гапирар эканмиз, бу ишларни оила, оналар маънавияти билан узвий амалга оширишимиз зарур. Ҳеч бир она фарзандининг келгусида бахтсиз бўлишини истамайди. Шу маънода, мен муҳтарама оналаримизга мурожаат қилмоқчиман. Бугун биз Ватаннинг шон-шуҳратини юксалтирадиган тарихий даврга қадам қўйдик. Шунинг учун, сизлар фарзандингизнинг қалбига улуғ мақсадларни, эзгу ғояларни сингдиринг, буюк орзуларни жойлашга интилинг. Оналаримиз юксак фазилатли, мард, жасур фарзандларни тарбиялаб берса, биз уларни замонавий мактаб ва олийгоҳларда камолга етказамиз. Мақсадимиз – ҳар бир оила, хонадон ва маҳалла мана шу улуғ ҳаракатнинг марказига айлансин - деди Президент.

Йиғилишдаги ташаббуслар ва вазифалар ижросини ташкил этишга 15 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади - Президент.

Бу маблағлардан самарали фойдаланиш, берилган топшириқлар ижросини бажариш мақсадида аёллар масалалари бўйича Олий Мажлис, Ҳукумат таркибидаги барча комиссиялар бирлаштирилиб, Сенат Раиси бошчилигида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилади. Янги қўмита раиси комиссия раисига ўринбосар бўлади.

Худди шундай, комиссиялар маҳаллий кенгашларда ҳам ташкил этилади. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча меҳнат жамоаларида Аёллар кенгашлари тузилади. Ушбу Кенгашлар аёлларнинг муаммолари, уларнинг дарду-ташвишини эшитиб, уларни ҳал қилиш бўйича корхона раҳбари, Республика ва маҳаллий комиссиялар олдига аниқ масалаларни қўяди.

Президент Шавкат Мирзиёев икки ҳафта муддатда Давлат бошқарувида аёллар фаоллигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

Мисол учун, давлат идораларида ишлаётган раҳбар аёллар улуши 10 фоиздан ошмайди.

- Аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик, маданият юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, ҳар бир вазирлик, давлат компанияси, банк ва бошқа идоралар бир-икки йил ичида ўз тизимидаги аёлларни раҳбарликка ўқитиб, камида 1 нафар ўринбосарини ҳам аёллардан қўяди - деди Давлатимиз раҳбари - Олийгоҳлар, тиббиёт марказларида ҳам худди шундай ёндашув бўлади. Солиқ, молия, банк, суғурта, иқтисодиёт идораларида аёллар улушини камида 30 фоизга етказиш лозим. Давлат бошқаруви академиясида раҳбар аёлларни тайёрлаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади ва ҳар йили камида 100 нафар аёллар ўқитилади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишни якунлар экан, шундай деди:

- Юртимизда "Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади", деган эзгу қараш ҳаётимиз қоидасига айланиши учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча опа-сингилларимиз, қизларимиз, мўътабар оналаримизга муносиб шароит яратиб бериш учун бундан буён ҳам барча имкониятларни ишга соламиз. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва оила масаласи – бу кундалик ишлар орасида шунчаки номига шуғулланадиган масала эмас. Бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласидир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган меҳрибон ва мўътабар аёлларга битта яхшилик қилсак, ишонинглар, бу ўзимизга ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Азиз опа-сингилларимиз, оналаримиз бу яхшиликнинг албатта қадрига етади, ҳаётдан рози бўлиб, шукроналик билан яшайди.

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги.

Kimyogar

ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЗИМЛАРИ

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлюксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан узлюксиз таълим тизимининг асоси яратилди.

Узлюксиз таълим — чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли-туман шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукаммал уйғунлигидан иборатдир. Унинг турли компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усул ва услубларнинг таълим шароитига оқилона татбиқ этилиши узлюксиз таълим сифатини таъминлайди.

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80-фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Б.ИСАМИДДИНОВА.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ ТЕРРОРИЗМ ЧАНГАЛИДАН САҚЛАНГ!

Миллат қушандаси бўлган терроризм ва экстремизм тўғрисида гап кетганда ҳаммамиз бир сесканиб, унинг домига тушган шахсларга нисбатан нафрат, ачиниш ҳислари уйғонади, бизда. Номинг ўчгур терроризм қанчадан-қанча ривожланган давлатларни ўз қаърига тортиб кетди, поймол қилди!

Бузғунчилик ғоясини ўзида мужассам этган бу ҳаракат, аслида динни ниқоб қилиб олган, онги паст одамлардан ташкил топган тўда, гуруҳлардан ташкил топган. Лекин, вазиятга чуққурроқ назар ташласак, бу ерда бундан-да жиддий масалалар ётибди. Улардан бири – миллатни совуриш, йўқ қилиш. Шубҳасиз, миллатни йўқ қилиш учун унинг авлодини қуритиш, онгини заҳарлашнинг ўзи кифоя. Шунинг учун терроризм ҳаракати тарафдори бўлган кимсалар ёшларимизни турли хил важлар, динни рўкач қилиб ёки катта пул эвазига ўзлари сафига қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ёшларимизнинг ўз вақтларини интернет тармоқларида ўтказишлари ҳозирда оддий ҳолга айланиб қолган, дарҳақиқат, биз, катталарнинг ҳам. Аммо, уларнинг интернетда нимани ўқиётганликлари, нима билан қизиқаётганликлари билан биз биламизми? Фарзандларимиз бизлардан топа олмаётган меҳрни шу матоҳдан изламаётганига ким кафолат бера олади?! Дўст қиёфасидаги монитор ортидаги ёвуз кучлар келажагимиз пойдеворини бизлардан тортиб олишга уринаётган бир вақтда, фарзандларимиз тарбиясига беэътиборлилик, вақт ажратмаслик, баъзи ҳолларда эса оддийгина суҳбатлашмаслик ортидан бу шахсларга икки қўллаб топшириб қўймаяпмизми? Бу саволларга жавобларни ўзимиздан ахтариш вақти келди. Ўйлаб қарасак, сўнгги йилларда террорчилик ҳаракатига асосан ёшларнинг қўшилиб кетаётганликларининг сабаби ота-оналаримизнинг фарзандлари билан индивидуал тарзда шуғулланмаётганликларидадир. Ота-она, албатта, ўз жигаргўшасига барча шароитлар яратиб бериш учун бир умр тер тўкиб меҳнат қилади. Афсуски, бу-лар орасида маънавий озуқа, ватанпарварлик ҳиссини сингдириш, оқ-қорани танитиш каби бебаҳо хусусиятлар кейинги ўринларга тушиб қолади.

Корхонамизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ишчи-ходимлар ўртасида экстремизм, терроризмнинг салбий оқибатларини кенг тушунтириш, турли ташқи кучларнинг мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталикни барқарорлаштиришга бўлган уринишларининг олдини олишга қаратилган диний-маърифий тадбир юқорида кўрсатиб ўтилган мавзуларни ўз ичига олди. Тадбирга Марғилон шаҳар "Саид Жалолхон тўра" масжиди имом хатиби Юнусхон Мамарасулов, Фарғона вилоят диний ишлар қўмитаси бош мутахассиси Ахмаджон Ориповлар таклиф этилди.

Фарғона вилоят диний ишлар қўмитаси бош мутахассисининг сўзларига кўра, сўнгги йилларда мутаассиб оқимлар ёшлар ўртасидаги фаолиятини Интернет орқали тарғибот ўтказиш, оила аъзолари, яқинлари ва қўшниларини ўз гуруҳига тортиш, яширин "ҳужралар" ташкил этиш, диний-экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатиш каби усулларда амалга оширмоқда. Имом ўз сўзларида ислом дини зўравонлик, қотиллик, ватанфурушликка мутлақ қарши эканлигини, куч ишлатиб инсонлар оиласи, ғайридин аҳолисини нобуд қилиш эвазига динни мажбуран сингдириш, давлатлараро келишмовчиликларга, урушларга сабабчи бўлишни қоралашини такроран таъкидлаб ўтди. Юсуфхон имом ҳозирда дунёда кўплаб экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг муайян қисми, афсуски, Ислом дини ниқоби остида фаолият юритиши уларнинг асл ниятлари сиёсий ўйинлар, давлатларни эгаллаш, уларнинг бойликлари ва халқидан қора ишчи сифатида фойдаланиш, бойлик орттириш эканлигини барчамиз тушуниб етишимиз зарур эканлигини айтиб ўтди.

- Миниг афсуски, террорчи оқимлар йил сайин Ислом дини ниқоби остида ёшларни манқуртга айлантирмоқда. Аслида соф Ислом дини ўз номи билан тинчлик-тотувлик, эзгулик динидир, – деди Юсуфхон Мамарасулов.

Азиз ватандошлар, биз тинч ва фаровон, диний эркинликларга эга бўлган юртда яшамоқдамиз. Ёшларимизга, фарзандларимизга, уларнинг онгини ҳар хил бузғунчи ғоя ва оқимлар бузиб қўймаслигига эътиборли бўлайлик. Зеро, "Қиёматда биз Аллоҳ Таолонинг ҳузурида фарзанду-набираларимизни назорат қилиб, уларга тўғри йўлни кўрсатмаганлигимиз учун аниқ сўраламиз ва жавоб берамиз."

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

НАВОИЙНИ ЎРГАНИНГ

Гар истайсиз одамийлик,
Навоийни ўрганинг.
Излаб кезманг адолат,
Навоийни ўрганинг.

Ўқинг Хамса асарни,
Дилдан қувгайсиз ғамни
Шомда ёки саҳарми,
Навоийни ўрганинг.

Кезинг етти саҳрони
Семуруғга айланиб,
Кейин тутманг армонни
Навоийни ўрганинг.

Тунни тонгга улайсиз,
Тонгдан хушнуд юрарсиз
Кейин ўзиз кўргайсиз,
Навоийни ўрганинг.

Эътиқод, иймон тўлган,
Меҳр, саховат тўлган,
Барчага устоз бўлган
Навоийни ўрганинг.

Қалб қуёши порлаган,
Яхшиликка чорлаган,
Туркий тилни бошлаган
Навоийни ўрганинг.

Эй болажон ўзбегим,
Эзгуликка йўл беринг,
Олим бўлсин десангиз,
Навоийни ўрганинг!

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ОШИРИШ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Ёшлар ўртасида экологик тарбия, билим, онг, маданиятни кучайтириш, уларда табиатга бўлган меҳрни ошириш каби масалалар экологик барқарорлигимизни таъминлашда етакчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, бу борада олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари кундан кунга авж олмоқда.

Жамиятимизда корхона цех, бошқарма ва бўлимлар ёшлар етакчилари ҳамда фаол ёшлари иштирокида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши, "тоза ҳудуд" сифатида корхона тозалигига риоя этиш, шунингдек, ёшларни ўз фаолият юритаётган жойларида тозаликка риоя этишларига қаратилган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшлар масалалари бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси Нурмурод Сирожов ёшларни корхонамиз ҳудудидаги экологик муҳитни сақлашда жонбозлик кўрсатишга барчамиз масъул эканлигимизни айтиб ўтди. У ўз нутқида мамлакатимиз аҳолисининг экологик билимини бойитиш ғоясини илгари суриб, аҳолида экологик маданиятни ривожлантириш ҳамда ҳар бир фуқарони табиатга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш лозимлигини тарғиб этиш бизнинг асосий мақсадимиз бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, юртимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби жиддий ва ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш экологияни асраш, атроф муҳитни сақлашда устувор вазифалардан биридир.

Тадбирда, шунингдек, ёшларимиз ахлоқи, маънавиятини мустаҳкамлаш, китобхонликни тарғиб қилиш каби мавзулар ҳам кўтарилди. Маънавий ишлар бўйича етакчи мутахассис Дилором Турдиева корхонамиз ёшларини мунтазам равишда ташкил этилаётган "Ёш китобхон", "Китобхон ходим" каби кўрик-танловларда янада фаол иштирок этишга, ўз билим ва кўникмаларини янада оширишга чорлади. Тадбир юқори савияда бўлиб ўтди. Унда ёшлар атроф муҳитни асраш, тозаликка риоя этиш борасида ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ёшларда экологик таълим-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш, уларда табиатни севиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашади.

Ўз мухбиримиз.



БОБУР МИРЗО КЕЛАРЛАР

Дилда юртин соғинчи
Қалам бўлган овунчи,
Улкан карвон йўловчи
Бобур Мирзо келарлар.

Зар қадрин – заргар билар
Юрт қадрин – кетган билар,
Тупроғин кўзга суртар
Бобур Мирзо келарлар.

Барпо этиб улкан давлат
Ҳукум сурди адолат,
Татимади юртсиз бахт
Бобур Мирзо келарлар.

Шеърлари дардга тўлган,
Бобурномани ёзган,
Ватан деб жонин берган
Бобур Мирзо келарлар.

Қолди қурган шаҳарлар
Боғи-эрамдек боғлар,
Йўлин тўсманг, эй тоғлар,
Бобур Мирзо келарлар.

Ўтиб қанча асрлар
Тугаб битди сабрлар,
Бўлсалар ҳам қабрда
Бобур Мирзо келарлар.

Барно ТУРСУНОВА,
МКЛ кимёвий таҳлил лаборанти.

ЭНДИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА ХАБАР БЕРИБ БОРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида аҳолини тезкор ва тўғри хабардор қилиш учун "Зўравонликка йўл йўқ" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ташкил этилган бўлиб, унда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари, вазирлик ва идоралар томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида мунтазам равишда хабарлар бериб борилмоқда.

Аёлларга нисбатан зўравонликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлардан хабардор бўлишни хоҳласангиз, ижтимоий тармоқлардаги "Зўравонликка йўл йўқ! Нет насилию!" саҳифаларига аъзо бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Гендер комиссияси.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖ ЎЗИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ ПОТЕНЦИАЛИНИ ТАҚДИМОТ ҚИЛДИ ВА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАДИ

Жорий йилнинг 2 март санасида Покистон Ислом Республикаси пойтахти Исломобод шаҳрида Ўзбекистон – Покистон Бизнес форуми бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий,саноат, транспорт-логистика ва инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши кўзланган форумда «Ўзкимёсаноат» АЖ вакиллари ҳам иштирок этишди. Унда «Ўзкимёсаноат» АЖ тизим корхоналари ва кимё-технологик кластерлари салоҳиятлари, инвестиция ва экспорт потенциаллари форум қатнашчилари ҳамда Покистон бизнес вакилларига тақдимот қилинди.

Шу билан бирга, бизнес форум доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ вакиллари Покистоннинг қатор йирик компаниялари билан кимё саноатида ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари, маҳсулотлар экспорти, етказиб бериш ва инвеститцион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказишди. Натижада «Wah Nobel Group of Companies» билан 2022 йилда Ўзбекистондан Покистонга 24.000 тонна техник метанол ва 300 тонна натрий нитрат кимё маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт келишувига эришилди.

Покистоннинг «Fatima Group» компанияси музокаралар давомида «Фарғонаазот» АЖни хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишга қизиқиш билдирди ва компанияга бу бўйича тегишли маълумотлар тақдим этилди. Шу билан бирга, бошқа кимёвий маҳсулотларни, ташкил этилаётган кимё-технологик кластерлари доирасида ишлаб чиқариш лойиҳалари бўйича ўрганишлар олиб боришга келишиб олинди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ матбуот хизмати.

ОНА-ТАБИАТ ОЛДИДА ҲАР БИРИМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ, МАСЪУЛИМИЗ

— Экологик маданият нима? Бу атроф-муҳит тўғрисида чуқур билимга, табиатни асраш туйғусига эга бўлиш, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатишга, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, уларни авайлашдаги амалий фаолиятнинг юксак кўрсаткичидир.

— Истеъмолдан ортиқча сувнинг жўмраклардан оқишига йўл қўймаслик, сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик, ахлатни дуч келган жойга тўкмаслик, тураржойларни озода сақлаш, ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш, қушларни парваришлаш каби ҳаракатларни амалга ошириш экологик маданиятнинг энг оддий кўринишидир.

Гулноза ТЎХТАСИНОВА,
Фарғона вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси матбуот котиби.

ЧЕСТВОВАНИЕ ЖУРНАЛИСТОК ОБЛАСТИ

В конференц-зале Дома печати в Фергане состоялось торжественное собрание, посвященное Международному женскому дню – Восьмое марта. В нем участвовали женщины-журналисты – представители СМИ области.

С приветственным словом собрание открыл председатель областного отделения Творческого союза журналистов Узбекистана Мухаммаджон Обидов. Тепло, поздравив женщин-коллег с праздником, он отметил, что нынче День восьмого марта отмечается в совершенно иной атмосфере в связи с тем, что на видеоселекторном совещании, состоявшемся 1 марта под председательством главы государства, определены широкомасштабные меры по поддержке женщин.

Выступая перед собранием, начальник областного управления Агентства информации и массовых коммуникаций Узбекистана Шохидбек Аслонов отметил, что в СМИ нашего региона много способных женщин-журналистов, и их ряды с каждым годом все более расширяются. Они играют все более важную роль в сфере массовых коммуникаций. Вместе с тем они принимают активное участие в общественной жизни. Новые возможности, в том числе в области образования, открывают двери для женщин в СМИ.

В конце собрания группе руководителей и сотрудников редакций периодических изданий области были вручены праздничные подарки областного управления Агентства информации и массовых коммуникаций и отделения Творческого союза журналистов Узбекистана.

Тамара ТОШМАТОВА.

ЧЕСТНЫЙ И ОТКРЫТЫЙ ДИАЛОГ С НАРОДОМ ЗАЛОГ ПРОЦВЕТАНИЯ НАШЕЙ СТРАНЫ

22 февраля 2022 года рабочей группой Управления юстиции Ферганской области в АО «Farg`onaazot» был организован выездной прием граждан. Проходившее в актовом зале Общества на данное мероприятие были приглашены руководители структурных подразделений и работники предприятия. Перед началом выездного приема председатель правления АО «Farg`onaazot» А.Т. Салиджанов обратился к коллективу предприятия со вступительной речью на которой определил повестку предстоящего приёма.

«В настоящее время развитие гражданского общества и открытого диалога с населением, обеспечение прав и интересов человека и прозрачности деятельности государственных органов и местных органов исполнительной власти, доведение до населения сути проводимых реформ и информации о перспективных планах комплексного развития регионов, выявление существующих системных проблем на местах и поиск их решений, ведение приема физических лиц и представителей юридических лиц, рассмотрение обращений являются приоритетными в реализации стратегических целей государства. Исходя из вышесказанного сегодня мы должны особое внимание уделять прежде всего общению с людьми, с народом, знать их чаяния, заботы, цели - мечты, проблемы и потребности. Именно для этого и служат организованные выездные приёмы граждан. Создание благоприятных условий для благополучной и счастливой жизни нашего народа является нашей первоочередной задачей» подытожил своё выступление председатель правления.

Затем работникам предприятия были представлены члены рабочей группы Ферганского областного управления юстиции. Так, в выездном приёме принимали участие начальники отделов Ферганского областного управления юстиции А. Таджибаев, Х. Умаров, А. Аъзамхонов, О. Ахмедов, заведующая Ферганским городским отделом ЗАГС Ш. Имамова, а также работники нотариата. В процессе выездного приема были подняты проблемы и затронуты вопросы жилья и земельных отношений, коммунального хозяйства, вопросы кредитования, образовательно-воспитательной сферы, а также выплаты алиментов. На эти и другие вопросы работники предприятия получили исчерпывающие ответы. Подводя итог выездного приёма начальник отдела правовой пропаганды и просвещения Ферганского областного управления юстиции А. Таджибаев отметил следующее - «От своевременной информированности о принятии тех или иных законодательных актов напрямую зависит повышение правовой грамотности наших граждан, а потому налаживание на системной основе таких встреч будет служить взаимным интересам как граждан, так и органов государственной власти».

Выездное заседание, прошедшее в духе открытости и взаимопонимания, дало возможность найти решение многих вопросов, а также получить напрямую юридические рекомендации и консультации.

Отабек БЕГИДЖАНОВ.

ВАШ ПРАЗДНИЧНЫЙ СТОЛ

Ранней весной, когда организм сталкивается с витаминной недостаточность хорошей возможностью для пополнения организма витаминами, являются употребление салатов из зелени. Благо сейчас в торговых сетях и на рынке в любое время года можно купить свежие овощи и зелень. Сегодня хотим с вами поделиться со способами приготовления очень простых и полезных салатов:

САЛАТ «ВЕСЕННИЙ»

Для салата «Весенний» необходим пучок сочного редиса, укропа и зеленого лука.

Аромат этого салата напоминает нам о том, что в наши края пришла весна.

Для того чтобы приготовить этот салат необходимо:

-яйца отварить вкрутую, остудить и очистить, далее нарезать их кубиками.

Взять пучок редиса вымыть и нарезать тонкими кольцами.

Зелёный лук хорошо промыть проточной водой, обсушить и мелко нарезать.

Смешать редис, яйца и зелень.

Заправить салат сметаной, кефиром и добавить соль, перец по вкусу и перемешать.

СОЧНЫЙ ОВОЩНОЙ САЛАТ

Совершенно обычный овощной салат. Необычная нарезка. С помощью такой тоненькой нарезки салат становится сочным и привлекательным.

Для того чтобы приготовить этот салат необходимы следующие ингредиенты: один пучок салата корн, одна морковь, один болгарский перец, свежий огурец, кинза, укроп или другая зелень, зелёный лук (по вкусу), помидоры черри (4 шт.)

Для заправки салата необходим бальзамический уксус, соль (по вкусу), оливковое масло (Extra Virgin), щепотка свежемолотого перца. Овощи нарезать специальной нарезкой. Выложить салат корн на широкое блюдо, сверху разложить овощи.

Для приготовления соуса необходимо смешать бальзамический уксус с солью и перцем. Добавить оливковое масло и взбить до состояния эмульсии. Полить соусом салат.

«ЗЕЛЕНЫЙ САЛАТ ЭКЗОТИКА ПП»

Для того чтобы приготовить этот салат необходимы следующие ингредиенты: авокадо (1 шт.), сладкое яблоко (1 шт.), огурец (1 шт.), салат листовой (50гр.);

для соуса: одна столовая ложка оливкового масла (Extra Virgin), 2 чайные ложки соуса Песто, одна чайная ложка винного уксуса, соль (1гр.), заменитель сахара (1гр.).

Как приготовить блюдо «Зеленый салат Экзотика ПП»

1. Огурец порезать кубиками.
2. Из авокадо извлечь косточку, очистить и нарезать кубиками.
3. Салат измельчить соломкой, яблоко нарезать кубиками.
4. Для соуса смешать оливковое масло, соус Песто, уксус, добавить соль, заменитель сахара и хорошо перемешать.
5. Соединить все ингредиенты в глубокой миске и хорошо перемешать.

Зелёные овощи и фрукты богаты калием, который поддерживает сердечно-сосудистую систему. Вкусный и лёгкий в приготовлении салат станет прекрасным дополнением к основным блюдам на обед и ужин.

Kimyogar

БЕЗОПАСНОСТЬ НА ДОРОГАХ В НАШИХ РУКАХ

Статистические данные о дорожно-транспортных транспортных происшествиях свидетельствуют о том, что в Узбекистане в прошлом году произошло свыше 10 тысяч аварий. Что необходимо сделать для того чтобы наши дороги были безопасными? Какие меры надо принять в отношении водителей, нарушающих правила дорожного движения? Эти и другие вопросы рассматривались в ходе видеоселекторного совещания проходившего 11 февраля текущего года под председательством Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева. Как отметил глава нашего государства: «Вопрос безопасности дорожного движения в Узбекистане не обсуждали более 5 лет. Многие правила и законы устарели или неэффективны».

Как известно, Автотранспортный цех нашего предприятия имеет большой парк автомобилей, состоящий из легкового, грузового и пассажирского транспорта. В основном обслуживают транспортные средства опытные водители имеющие большой стаж работы, но в коллективе сегодня трудятся и молодое поколение водителей, не имеющих такого стажа работы. Выезжая за пределы предприятия, транспортные средства предприятия становятся полноправными участниками дорожного движения и наряду с другими водителями транспортных средств несут ответственность за несоблюдение правил дорожного движения.

Именно организация безопасной работы транспорта, а также разъяснения водителям автотранспортного цеха сути и содержания вопросов, поднятых 11 февраля на видеоселекторном совещании был посвящен семинар, проходивший на нашем предприятии при участии сотрудников Управления безопасности дорожного движения УВД Ферганской области. Участвовавшие на семинаре старшие инспектора УБДД старший сержант А. Солохиди и старший сержант А. Исматов подробно рассказали участникам о вопросах, поднятых на совещании и о принципах «Безопасная и ровная дорога» на основе которого будет выведен на новый уровень работы обеспечения безопасности дорожного движения. Как отмечали выступавшие, будет повышена ответственность за умышленное нарушение правил вождения, самовольное принуждение участников к остановке, создание опасности («дорожное преследование»). Также будет введен новый вид ответственности — дорожное хулиганство — за безответственное вождение автомобиля и создание препятствий другим участникам движения.

Кроме того, будет введена система начисления штрафных баллов за нарушения. Если сумма штрафных баллов водителя за нарушения, допущенные в течение 12 месяцев, превысит 12 баллов, он будет лишен права управления транспортным средством.

В целях обеспечения неотвратимости наказания, планируется ввести систему штрафных баллов за каждое правонарушение. Например, если водитель превысит скорость, он получит 1 балл, а если проедет на красный свет — 3 балла. Если сумма нарушений за год превысит 12 баллов, водитель будет лишен права управления автомобилем и направлен на повторное прохождение экзамена.

Предусматривается введение порядка определения страховой премии по обязательному страхованию ответственности водителей на основании штрафных баллов.

Водителям, которые не нарушают правила будут начисляться бонусные баллы.

Подробно ознакомив участников семинара с намеченными изменениями в правилах дорожного движения, сотрудники УБДД ответили на интересующие вопросы. Исходя из тематики заданных вопросов было предложено установить видеорегистраторы на имеющиеся транспортные средства предприятия. В завершении встречи, начальник Управления логистики А.Б. Исмаилов и начальник автотранспортного цеха Ш.Р. Зокиров призвали водителей строго соблюдать правила дорожного движения и подчеркнули о необходимости для всех водителей содержать свои транспортные средства в технически исправном состоянии.

Отабек БЕГИДЖАНОВ.

С 1 МАРТА МЕСЯЦА ВСТУПАЕТ В СИЛУ РЯД ИЗМЕНЕНИЙ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ УЗБЕКИСТАНА

Лица с инвалидностью и их работодатели получают льготы по подоходному и социальному налогу:

- льгота, установленная в соответствии с частью первой статьи 380 Налогового кодекса по подоходному налогу для инвалидов с детства и лиц с инвалидностью I и II групп, увеличивается с 1,41-кратного до трехкратного МРОТ;
- до 1 марта 2024 года работодателям (за исключением бюджетных организаций, госпредприятий и юрлиц с госдолей 50 и более %) сумма социального налога, уплаченная ими за лиц с инвалидностью, возвращается из госбюджета в полном объеме. При этом сумма социального налога возвращается, начиная с седьмого месяца при условии осуществления лицами с инвалидностью непрерывной трудовой деятельности в течение шести месяцев.

Водителям не нужно иметь при себе «лицензию», техпаспорт, доверенность и страховой полис при наличии биометрического паспорта или ID-карты. Имеющим при себе биометрический паспорт или идентификационную ID-карту, выданные органами внутренних дел либо консульскими учреждениями Республики Узбекистан, водителям не требуется наличие следующих документов:

- на право управления транспортным средством;
- о регистрации транспортного средства;
- подтверждающих право владения, пользования или распоряжения транспортным средством в отсутствии его владельца;
- страхового полиса по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств.

Ряд услуг органов внутренних дел предоставляется в электронном виде. Благодаря внедрению информационных технологий через ЕПИГУ можно получить следующие услуги:
- приглашение иностранного гражданина в Узбекистан;
- получение соответствующих документов и справок, подтверждающих принадлежность к гражданству Узбекистана, в иностранном государстве;
- получение информации о судимости (несудимости);
- установление времени свиданий, содержащихся в учреждениях по исполнению наказания и в колониях-поселениях с их близкими родственниками.

Центры госуслуг заменят столы находок. Деятельность «Стола находок» в системе МВД прекращается и районные (городские) Центры госуслуг начнут оказывать услуги по приему, хранению и возврату потерянных и найденных вещей или их передачу в соответствующие государственные органы.

Заявки на поиск пропавших предметов также будут приниматься через Единый портал интерактивных госуслуг.

Земля МКД передается им в постоянное пользование. Земельные участки, прилегающие (граничащие) к зданиям и сооружениям, находящимся во владении госорганов, предприятий, органов самоуправления граждан и собственников многоквартирных жилых домов, выделяются им с правом постоянного пользования на следующих условиях и обязательствах:
- содержания земельных участков в благоустроенном виде;
- ухода и орошения деревьев, кустарников, других растений и саженцев;
- проведения работ по уборке и очистке, установке мусорных урн;
- сооружения (установки), ремонта и сохранности детских площадок, посадочных мест (скамеек) и систем ночного освещения;
- сооружения, ремонта и содержания на надлежащем уровне пешеходных дорожек для населения.

Определить уровень знания иностранного языка теперь можно самостоятельно через ЕПИГУ. Прием заявки на определение уровня владения иностранным языком и получение квалификационного сертификата путем сдачи теста осуществляется в электронном виде. Теперь, чтобы получить квалификационный сертификат или справку через ЕПИГУ, не требуются копия фотографии 3,5х4,5 см и документ, подтверждающий оплату госуслуги. Претенденты могут самостоятельно выбрать дату экзамена на сайте Государственного центра тестирования, где будут публиковаться все даты тестовых испытаний.

Лицензирование – в электронном виде

С 1 марта лицензионные, разрешительные и уведомительные процедуры поэтапно осуществляются полностью в электронной форме через информационную систему «Лицензия». Исключение составляют разрешения, выдаваемые при ведении внешнеэкономической деятельности с использованием таможенной информационной системы «Единое окно».

Заявления о выдаче лицензии и разрешений, а также об уведомлении уполномоченного принимаются через Единый портал интерактивных госуслуг.

Все виды лицензий и разрешений, а также письма о принятии уведомлений и включении их в реестр оформляются путем проставления QR-кода.

Усиливается общественный контроль за использованием земли. Фото- и видеоматериалы о фактах самовольного захвата и незаконного использования земельных участков, направляются населением и органами самоуправления граждан в Генеральную прокуратуру и Агентство по кадастру. Органам самоуправления граждан и помощникам хокимов районов (городов) предоставляется право на направление запросов в органы исполнительной власти на местах, органы по строительству и кадастру о законности начатого строительства любого здания или сооружения на их территории.

Sputnik Узбекистан.

ПРИВАТИЗАЦИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ НЕСЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО НАЗНАЧЕНИЯ

В целях обеспечения реализации Закона Республики Узбекистан «О приватизации земельных участков несельскохозяйственного назначения» принято постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Постановление принято во исполнение вышеуказанного Закона, а также Указа Президента Республики Узбекистана «О мерах по обеспечению равенства и прозрачности в земельных отношениях, надежной защите прав на землю и превращению их в рыночный актив». Постановлением установлено, что:

- приватизация земельных участков, находящихся в собственности граждан и юридических лиц Узбекистана на праве постоянного пользования (владения), аренды или пожизненного наследуемого владения, осуществляется через автоматизированную информационную систему «Yerxususiylashtirish» (далее – АИС «Yerxususiylashtirish»);
